

Вақт — сиз эга бўлган энг қимматли бойлик



04:00 / 07.01.2022 2534

Олий ҳиммат соҳиби ва бу диннинг ғами билан дардланган мусулмон киши учун энг аҳамиятли нарса умрининг ҳар бир лаҳзасига эга бўлиши ва уни Аллоҳнинг розилигидан бошқа йўлда зое қилмаслигидир. Бу борада Аллоҳ азза ва жалла Аср сурасида бизга тўғри йўлни кўрсатган: «Аср (вақти)га қасамки, (Барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар)» (Аср сураси 1-3 оятлар).

Вақтга эга чиқиш ва ундан тўғри йўлда фойдаланишга ёрдам берадиган энг муҳим йўл - вақт кишининг эга бўлган энг қимматли бойлиги эканига ишонишдир. Аллома Абдулфаттоҳ Абу Ғудда роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Билгинки, замон бир лаҳзаси ҳам зое кетмаслиги керак бўлган улуғ нарсадир. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда: «Ким «Субҳаналлоҳи-лъазийми ва биҳамдиҳи», деб айтса Жаннатда у учун бир хурмо дарахти экилади», деб келади. («Сунани Термизий» 5/511 ва «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон» 3/109 да келган). Одам боласи неча соатларни улкан савоблардан бебаҳра ҳолда бекорга ўтказиб юборади?! Кунлар мисоли экин қилиш вақтига ўхшайди. Ақилли киши уруғ экишдан тўхтаб туриши ёки бепарво бўлиши ақлга сиғадими?». («Қийматуз замон» китобида келган 60-бет).

Имом Ибн Жавзий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Билгинки, эй ўғилчам! Кунлар соатларга ва соатлар эса, нафасларга ёйилган. Ҳар бир нафас бир қутидир. Нафасинг бекорга кетишидан эҳтиёт бўлки, Қиёмат куни бўш қутини кўриб, надомат чекмагин! Сарфлаётган соатларинг нималарга кетаётганига қара! Уларни энг улуғ нарсаларга йўналтир! Ўзингга илтифот қил ва энг шарафли амалларни қилишга одатлан! Ишингни гўзал ва пухта қил! Висол куни келганида сени хурсанд қиладиган амалларни қабр сандиғига юборгин!».

«Вақт олтиндир, деб айтилади. Бу сўз борлиқни моддий ўлчайдиган кишиларга нисбатан тўғри. Бироқ, бундан узоқроқни ўйлайдиган кишиларга нисбатан вақт ҳаёт демақдир. Эй инсон, бу борлиқда сенинг ҳаётинг туғилиш ва ўлим орасида ўтадиган вақтдан бошқа нарсами?! Олтин бир кун келиб қўлдан кетса, яна бир бор йўқотгандан ҳам зиёда қилиб, қайтариб олишинг мумкин. Аммо, ўтган вақтни ва сонияни ҳеч қачон ортга қайтара олмайсан! Демак, вақт олтиндан ҳам, олмосдан ҳам, ҳар қандай жавҳарлардан ҳам қимматлироқдир. Чунки, у ҳаётдир...». («Қийматуз замон» китобида келган 122-123 бетлар).

Шайх Салоҳ Абулҳож ҳафизаҳуллоҳнинг

«Қалбни суғорган ҳикмат зилоли» китобидан.

Абдуссами Хайруллоҳ таржимаси